УзССР Давлат китоб палатаси
Гос. книжная палата УзССР

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 79 (8.663) ◆ 1995 йил 10 июль, душанба Сотувда эркин нархда

## ЁШЛАР — ИСТИҚЛОЛГА

Республикамиз мустақиллигининг тўрт йиллик байрамини муносиб кутиб олиш юзасидан Ёшлар Иттифоқи Юнусобод туман қўмитаси ҳам қатор тадбирларни режалаштирди. Унга кўра Тошкент педиатрия-тиббиёт институтида махсус викторина ўтказилади. Унда мустақил давлатнинг шаклланиши ҳақида қизиқарли саволлар бўлади. Викторина ғолиблари қимматбаҳо эсдалик совғалари билан мукофотланади. Тошкент юридик ва Тошкент молия институтларида эса истеъдодли талабалар иштирокида байрам концерти бўлади.

«Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида анъанавий байрам кечаси бўлиб ўтади. Унда, албатта, меҳнат фахрийлари, устозлар қатнашиб, ишчи ёшларга ўз тилакларини билдиришади. Тикувчи қизлар байрамни кўтаринки руҳда кутиб олишади.

Ёшлар Иттифоқининг энг ёш аъзолари — мактаб ўқувчиларидир. Бу борада туман халқ таълими бўлимининг фаолиятини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ҳамма мактабларда «Мустақиллик куни» ва «Билимлар куни» биргаликда нишонланади. Бинобарин, яхши билим — келажаги буюк давлат қурилишининг асосий манбаидир.

«Ватанпарвар» ташкилотининг Юнусобод туман спортчилари ҳозирги вақтда байрам арафасида ўтказиладиган мусобақаларга қизғин тайёргарлик кўряптилар. Бизнинг спортчиларимизга бўлажак ҳомийлардан бири ҳам Юнусобод туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасидир.

Алишер АҲМЕДОВ,
*Юнусобод туман Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби.*

## ТУРКИЯ БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

9 июль куни Бош вазир Тансу Чиллер бошчилигидаги Туркия расмий делегациясининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бошланди.

Тошкент аэропортида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов рафиқаси билан юксак мартабали меҳмонни кутиб олди. Миллий либосдаги қизлар Туркия Бош вазирига турфа гуллар тақдим этдилар. Ўзбекистон ва Туркия давлат мадҳиялари янгради. Ислом Каримов ва Тансу Чиллер хоним фахрий қоровул сафларини айланиб ўтдилар.

Туркиялик юксак меҳмонни кутиб олиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси Эркин Халилов, Бош вазир Абдулҳошим Муталов, ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов, Президентнинг давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими Козим Тўлаганов иштирок этдилар.

Тошкент аэропорти биносида Тансу Чиллер ва туркиялик меҳмонларни Ўзбекистон расмий делегациясининг аъзолари, чет эл элчихоналари вакиллари, журналистлар самимий кутладилар.

Шу ернинг ўзида Ислом Каримов билан Тансу Чиллер хоним ўртасида фикр айирбошлаш бўлиб ўтди. Давлатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли муносабатлар муваффақиятли ривожланаётганлиги таъкидлаб ўтилди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовни Туркияга, Туркия Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифлари катта аҳамият касб этди.

1994 йилнинг ўзида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо обороти 143 миллион долларга ортди. Йирик турк фирма ва компаниялари республикамизда истиқболли иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун катта маблағ ажратдилар. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Туркия билан ҳамкорликда ташкил этилган 172 та қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Республикамизнинг ёш мутахассислари Туркияда, турк студентлари бизда таълим олмоқдалар.

Суҳбатдан сўнг Бош вазир Тансу Чиллер ўзига ажратилган қароргоҳга йўл олди.

***

Расмий кутиб олиш маросими тугаши биланоқ Ўзбекистон Республика ташқи иқтисодий фаолият миллий банкида дастлабки музокаралар бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Туркия ўртасида молия ва банк, энергетика, нефть ва газ саноати, савдо соҳаларидаги алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

***

Туркия Бош вазири Тансу Чиллернинг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИ МУНОСАБАТИ БИЛАН*

## ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИ ТАНСУ ЧИЛЛЕР



1946 йилда Истанбул шаҳрида туғилган. Ўша ерда Америка коллежини тугатган.

1967 йилда Босфор университетини тугатиб, иқтисод магистри даражасини олган. 1971 йили Коннектикут университетида иқтисодиёт бўйича докторлик диссертациясини ёқлаган ва Йел (АҚШ) университетининг докторантликдан сўнг қабул қилинадиган курсларида малака оширган.

1978-1990 йиллар — Истанбулдаги Босфор университети иқтисод факультетининг профессори.

1990 йил ноябридан — Тўғри йўл партияси (ТЙП)га аъзо бўлиб, сиёсий фаолият билан фаол шуғуллана бошлаган.

1991 йил октябридан — Туркия парламенти аъзоси.

1991 йил ноябридан — иқтисодиёт учун масъул давлат вазири.

1993 йил 13 июнда Тўғри йўл партияси (ТЙП)нинг навбатдан ташқари қурултойида партия раиси этиб сайланган.

1993 йил 14 июнда Президент С. Демирэл Тансу Чиллерга Туркия Бош вазири сифатида янги ҳукуматни тузишни топширган.

Тансу Чиллер Туркия тарихида аёллардан чиққан биринчи ҳукумат бошлиғидир. У 9 та илмий иш муаллифи.

Оилали. Турмуш ўртоғи — Ўзэр Чиллер, иқтисодчи.

Икки фарзанди бор. Инглиз ва немис тилларини яхши билади.

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати.**

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жан Пол Везианни қабул қилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Франция ўртасида иқтисодий, сиёсий, маданий соҳалардаги алоқаларнинг тобора ривожланиб бораётгани ҳақида сўзлар экан, Жан Пол Везиан ўзининг мамлакатимиздаги 3 йиллик элчилик фаолияти давомида икки давлат муносабатларининг мустаҳкамланишига муносиб ҳисса қўшганини таъкидлади.

Жан Пол Везиан Франция дипломатияси вакили сифатида Ўзбекистондаги фаолияти якунланаётганини айтиб, ушбу масъулиятли вазифани адо этиш мобайнида ҳар икки давлат ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик равнақига озми-кўпми ҳисса қўша олганидан мамнунлигини изҳор этди. У мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар бундан буён янада мустаҳкамланади, дея умид билдирди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

* * *

7 июль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Япония ташқи ишлар вазири ўринбосари Хироши Фукудани қабул қилди.

— Кейинги пайтда Япония сиёсатчилари ва тадбиркорлари делегациялари Ўзбекистонга тез-тез ташриф буюрмоқда,— деди Ислом Каримов.— Бу албатта, уларнинг Ўзбекистонга қизиқиши юқорилигини кўрсатади. Ўзбекистон ҳукумати ҳам Япония билан ўзаро манфаатли алоқаларни тобора равнақ топишига катта эътибор бермоқда. Япониялик тадбиркорларнинг синчков ва сермулоҳаза экани бизга яхши маълум. Лекин бугун ҳамкорлигимизнинг амалий даври бошланганини бизни мамнун этади.

Хироши Фукуда Япония ҳукумати Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар ривожини кузатиб бораётгани ва мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор бераётганини таъкидлади.

Суҳбат чоғида ҳар икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов, ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Укеру Магосаки ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## БУГУНГИ КУН «ТО» «ТО» НАФАСИ

❑ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Навоий давлат кончилик институти ташкил этилди.

❑ Вазирлар Маҳкамасида Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш бўйича комиссия мажлиси бўлиб ўтди.

❑ Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этиш учун мамлакатимизга келган Қозоғистон делегацияси вакиллари Сирдарё ва Тошкент вилоятлари меҳнат жамоаларида, республика байналмилал марказида бўлдилар.

❑ Олмалиқда тиш пастаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган Ўзбекистон — Болгария қўшма корхонасини таништириш маросими бўлиб ўтди. Олмалиқдаги маиший химия заводи, кон-металлургия комбинати ва Болгариянинг «Вено» фирмаси томонидан ташкил этилган ушбу корхонада ойига 150 минг дона тиш пастаси ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

❑ Тошкентнинг Қорақамиш мавзесида бир кеча-кундузда 2 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган кичик новвойхона ишга тушди. Туркиялик тадбиркорлар билан ҳамкорликда келгусида бу ерда кунига 16 тонна нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

❑ Яқин вақт ичида республика тиббиёт муассасаларига Германиядан инсонпарварлик ёрдами сифатида 130 дан кўпроқ турдаги дори-дармонлар етказиб берилади.

❑ Тошкентда истиқболни белгилаш ва статистика масалаларига бағишлаб биринчи халқаро Марказий Осиё илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

❑ Шанба куни Чеченистонда мотам куни эълон қилинди. Россия Президенти Борис Ельцин бу ердаги жангларда айбсиз ҳалок бўлган оилаларга чуқур ҳамдардлик изҳор этди.

❑ АҚШ Президенти Билл Клинтон Вьетнам билан тўла ҳажмда дипломатик муносабатларни ўрнатишга қарор қилди. Маълумки, Вьетнамдаги урушдан бери бу ҳар икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар узилиб қолган эди.

❑ Польшада расмий ташриф билан бўлган Германия канцлери Гельмут Коль Польшанинг НАТОга аъзо бўлишини ёқлаб гапирди. НАТО раҳбарияти ҳам Шарқий Европа мамлакатлари орасида биринчи бўлиб бу мамлакатни ушбу ҳарбий иттифоққа аъзо қилиб олишни режалаяпти.

*Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллиги олдидан*

*Туманлар йўқламаси*

## ЮНУСОБОД

***Ҳозир 330 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган Тошкентдаги энг йирик туманлардан бири Юнусободда ҳам Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик кунининг тўрт йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг кўламли қурилиш-ободонлаштириш ишлари авж олган. Уларнинг кўпчилиги байрам шодиёналари арафасида фойдаланишга топширилади. Бизнинг Юнусобод тумани ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Тошмат Маҳаметов билан суҳбатимиз ҳам туманнинг шу кундаги ҳаёти хусусида бўлди.***

— Туманни 1995 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш режасига кўра, — дейди ҳоким, — аҳоли фаровонлигини ошириш, уларга зарур ҳаётий шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламдаги ишлар бажарилиши белгиланган. Бунда асосий эътибор албатта қурилишларга қаратиляпти. Бундан ташқари анча йиллардан бери эътиборсиз қолаётган кўп қаватли уйларни таъмирлаш ҳам диққат марказимизда. Ҳозир шаҳар ҳокимлиги томонидан белгиланган 150 та уйни тўла таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

Ҳ. Асомов, Ш. Рашидов, Гвардия, А. Темур кўчаларига Германиянинг «Вирткен» йўл тиклаш мажмуи орқали қайта асфальт ётқизилмоқда. Шунингдек, мавзеларда кўп йиллардан бери ишламай ётган ёритиш тармоқлари тикланяпти. Ёш авлодни намунали ўқитиш ва таълим-тарбия бериш мақсадида туман ҳокимлиги 2 та мактаб, 2 та боғчани тўла таъмирлашни ўз оталиғига олди, қолганларида ҳам ишлар режа асосида кетмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳам иш қизғин. Чунончи, истиқлолнинг тўрт йиллиги арафасида 5-шаҳар касалхонасини намунали даволаш даргоҳига айлантирган ҳолда таъмирдан чиқарамиз. Аҳолининг иссиқ нонга бўлган талабини қондириш, транспорт харажатларини камайтириш мақсадида 1 сентябрь кунига 3 та кичик нон заводини ишга тушириш мўлжалланяпти. Шунингдек, барча қулайликларга эга 2 та бозор фойдаланишга топширилди. Ўзбекистондаги энг ажойиб ва файзли ҳисобланмиш етти иқлимга донғи кетган «Олой» бозорини қайта таъмирлашнинг учинчи ва охирги босқичи ҳам сентябрга қадар тугайди. Бу ерда бозорга келувчи сотувчи ва харидорлар учун қулайликларга эга 2 та автомобилларнинг тўхташ жойи ва янги автобекат ҳам қуриляпти.

Кишиларнинг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Анҳор бўйидаги хиёбон (Гагарин боғи)даги учта катта фаввора бутунлай янгитдан қуриляпти. Бу ерда яхна ичимликлар, музқаймоқ билан савдо қиладиган дўкончалар ҳам аҳолига хизмат кўрсатади.

Тумандаги шаҳримиз ҳуснини бузаётган эски иморатлардан 85 таси бузилиб кишиларга барча қулайликларга эга замонавий уйлар берилди. Режада кўзда тутилгандек, Юнусобод тумани бўйича 100 фоиз хонадон газ билан таъминланади. Бундан ташқари ўтган йили туманимизга қўшилган Ҳасанбой қишлоғини ҳам транспорт воситаси, газ ва ичимлик суви билан тўла таъминлаш устида ишлаяпмиз. Умуман, мустақиллик байрамигача аҳоли учун барча қулайликларга эга 4 та янги маҳалла гузари қуриб ишга туширилади.

Транспорт қатновини яхшилаш мақсадида тумандаги 8-автокорхонага йил бошидан бери Германиядан 30 та «Мерседес» автобуси олинди. 1995 йил давомида улар сонини 100 та етказиш мўлжалланмоқда. Шунингдек, Генерал Узоқов — Ниёзов — Х. Асомов кўчалари бўйлаб 18 километр узунликдаги янги троллейбус линияси қуриб битказилади.

Мустақиллик байрами арафасида туманимиздаги «Юнусобод» теннис клубининг кортларида анъана тусини олган халқаро Президент Кубоги мусобақалари бўлиб ўтади. Унда иштирок этиш учун жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатларидан теннисчилар таклиф этилди. Уларга барча қулайликларни яратиб бериш мақсадида теннис мажмуасининг иккинчи навбати ҳам ишга тушади.

Умуман, мустақилликнинг тўрт йиллиги арафасида Юнусобод янада обод ва кўркам бўлади.

## ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ



## ЯНГИ САВДО МАЖМУАСИ

Мустақиллигимизнинг тўрт йиллиги арафасида 8-мавзе аҳолиси яна бир ажойиб қулайликдан баҳраманд бўлади — 30 та дўконни ўз ичига олган, усти ёпиқ бозори ҳам бўлган йирик савдо мажмуаси ишга туширилади. Ҳозир «Гўзаллик салони», сабзавот, мевалар, озиқ-овқат, тижорат дўконлари, ўқув қўлланмалари магазини, пойабзаллар тикланадиган устахоналардан иборат мажмуада жадал қурилиш ишлари амалга оширилмоқда.

— Қурилиш-тиклаш ишлари туман ҳокимлиги тасдиқлаган лойиҳага кўра тадбиркорлар томонидан турли фирма ва кичик корхоналарни жалб этган ҳолда амалга оширилмоқда, — дейди Юнусобод тумани қурилиш мажмуасининг раҳбари Шукуриддин ака Пахруддинов. — Зеро, 1995 йилнинг 25 январдаги юртбошимизнинг «Хусусий тадбиркорликда ташаббус кўрсатиш ва уни рағбатлантириш тўғрисида»ги Фармонида ҳам ишбилармонларга ҳар томонлама кўмак бериш хусусидаги бандлар бор. Биз муҳандислик коммуникациялари, канализация тармоқлари ва бошқа ишларни бажаришда ёрдамлашяпмиз. Ишни шундай ташкил қилдикки, 30 та дўкон орасида халқ учун кундалик эҳтиёж молларию, саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ҳам мунтазам савдо қилинади. Бундан ташқари аҳолига турли маиший хизматлар кўрсатилади. Савдо мажмуаси учун ажратилган ер майдонидан унумли фойдаланиш мақсадида ҳар бир дўкон 2 қаватли этиб қуриляпти. Яъни, лойиҳа бўйича барча дўконлар тагига ертўлалар ҳам қурилиб, ундан омбор сифатида фойдаланилади. Шунингдек, унга музлатгич ва бошқа ёрдамчи жиҳозлар ҳам ўрнатилади. — Биз савдо мажмуаси марказида 100 ўринли усти ёпиқ бозор ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва гўшт билан савдо қилинадиган иккита раста қуряпмиз, — суҳбатга қўшилди «Гўзал юлдуз» фирмаси раҳбарининг ўринбосари Р. Қосимов. — Қурилиш ишларини ҳаммадан кеч — бундан икки ой аввал бошлаган бўлсак-да, «ТошСНРПМ» хусусий қурилиш ташкилоти азамат бунёдкорларининг саъй-ҳаракатлари билан иншоотни ўз вақтида ишга туширишимизга ишончимиз комил.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш ўринлики, янги савдо мажмуаси ишга тушгач, қўшни 9, 10-мавзе аҳолисининг ҳам узоғи яқин бўлиб, уларнинг марказий бозорларга қатнашлари учун ҳожат қолмайди.

*СУРАТЛАРДА: «Гўзал юлдуз» фирмаси раҳбарининг ўринбосари Р. Қосимов, туман қурилиш мажмуасининг бошлиғи Ш. Пахруддинов ҳамда пайвандловчи Р. Давлатғозиевлар ёпиқ бозор қурилишидаги иш жараёни билан танишмоқдалар; савдо мажмуасининг дастлабки дўконлари битказилиб, ишга тушиш арафасида.*

## ТЎЙГА ТЎЁНА

Халқимизда «Тўйга — тўёна билан» деган ажойиб нақл бор. Юнусобод туманида ҳам бунга амал қилган ҳолда меҳнат ютуқларига эришиляпти. Чунончи, «Лаззат» яхна ичимликлар ҳиссадорлик жамиятида мустақиллик байрамига атаб янги яхна ичимлик тури ишлаб чиқарилади. «Юлдуз» ҳиссадорлик жамиятининг қўли гул чеварлари ўзлаштираётган 3 хил янги моделдаги костюм-шимлар энг юқори дидли эркакларга ҳам тўла ёқиб тушиши шубҳасиз. Асбобсозлик заводида ҳам ушбу қутлуғ кунга ажойиб «тўёна» ҳозирланди — бу ерда 3 хил янги турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

## ТАНДИР ТЎЛА НОН

Тошкент Ҳалқа йўли атрофидаги Юнусобод 10-мавзеси ҳудудида жойлашган «Уч қаҳрамон» маҳалласида ҳозир кенг кўламдаги ободончилик-қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Масаланинг яна бир томони шундан иборатки — кўп қаватли уйлардан иборат мавзенинг шундоқ рўпарасидаги илгари Тошкент туманига қарашли Ҳасанбой қишлоғининг бир қисми Юнусобод туманига ўтиб бу ерда ҳам уйларнинг қурилиши авж олган палла. Демак, бу ердаги аҳоли учун турли қулайликлар яратиш биринчи галдаги вазифадир.

10-мавзенинг Ҳалқа йўлига туташган ери анча пайтлардан бери қаровсиз бўлиб чиқиндихонага айланиб қолганди. Бундан уч ой олдин бу ерлар текисланиб, чиқиндилардан тозаланиб, аҳоли учун жуда керакли бўлган кичик нон корхонасининг қурилиши бошланганининг гувоҳи бўлган эдик. Ушбу иншоотга келиб қўли гул қурувчиларнинг маҳоратларига тан бердик. Нисбатан қисқа муддат ичида «Уч қаҳрамон» деб номланган кичик нон корхонасининг биноси қуриб битказилган, ҳозир эса «Усто» фирмасининг ишчилари корхонага туташган нон дўконида миллий услубда пардозлаш юмушларини бажаришаётган экан. Уч ой ичида 30 миллион сўмликка яқин қурилиш-тиклаш ва жиҳозлаш ишлари бажарилибди. Корхона атрофига кўзни қувнатадиган яшил чимлар экилиб, кичик фавворaларнинг бир текисда сув таратиб туришини кўриб эса баҳри-дилингиз очилади.

Завод ичини айланамиз. Битта хонага Германиянинг «Винклер» линияси ўрнатилган бўлиб, унда бир кеча-кундузда 3 тоннагача булочка маҳсулотлари — Кунцево, Наргис, Баҳор, Бойчечак булочкалари, Кишмишли рулет, Минск ўрамаси, француз батонлари ва бошқа жами 30 турга яқин аъло сифатли булочкалар чиқарилади. Бу ерда иш автоматлаштирилган конвейер усулида ташкил этилган бўлиб, дастлаб ун қабул қилиб олинади, сўнг у хамир қориш дастгоҳига узатилади, тайёр булочкалар печкада ёпилиб, шу ердаги нон дўконида қайноқ ҳолда савдога чиқарилади. Қўшни хонага эса «ХПА-40» автомат линияси ўрнатилган бўлиб, у бир кунда 24 тонна булка маҳсулотларини чиқаришга мўлжалланган. Муҳими шундаки, энди шаҳримизнинг энг йирик даҳаларидан бири бўлмиш Юнусободга пойтахтнинг узоқ ерларида жойлашган нон заводларидан нон келтириш учун эҳтиёж қолмайди. Зеро, яқин кунларда ишга тушадиган «Уч қаҳрамон» кичик нон корхонасининг маҳсулотлари тумандаги яна кўплаб бошқа дўконларга ҳам юборилади.

Ҳозир бу ерда қурилиш ишларини аъло даражада адо этган «Агросаноатқурилиш» фирмаси бунёдкорлари Юнусобод даҳаси, 14-мавзеда ҳам худди шундай кичик нон корхонасини тиклаш ишларини қизғин бошлаб юбордилар.

Дилшод ИСРОИЛОВ.





*СУРАТЛАРДА: «Усто» фирмасининг ганч ишлари бўйича бригадири Ҳаётилла ака Абдуллаев нон дўконидаги пардозлаш ишларини бажармоқда; «Уч қаҳрамон» кичик нон корхонасининг умумий кўриниши.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

